Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил “3” мартдаги 165 -сон
қарорига 1-илова

Жиззах вилояти Зарбдор туманида 2017 йил пахта ҳосилини етиштириш ва шартнома мажбуриятларини бажаришда йўл қўйилган камчиликлар ва уларни келгусида бартараф этиш чора-тадбирлари

ДАСТУРИ

№	Йўл қўйилган камчиликлар ва мавжуд муаммолар	Бартараф этиш тадбирлари ва таклифлар	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
I. Фермер хўжаликларининг молиявий холатини таҳлил қилиш ҳамда ердан самарали фойдаланишда уларнинг масъулиятини ошириш				
1.	Тумандаги 350 та фермер хўжаликлари давлатга пахта сотиш шартномавий мажбуриятларини бажармаслиги натижасида режадан 6143 тонна кам пахта ҳосили етиштирилган. Шундан: туман ҳокими сектори ҳудудида 136 та фермер хўжаликларида 2698 тонна; туман прокурори сектори ҳудудида 88 та фермер хўжаликларида 1190 тонна; туман Ички ишлар бўлими сектори ҳудудидаги 95 та фермер хўжаликларида 1732 тонна; туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи сектори ҳудудида 31 та фермер хўжаликларида 522 тоннани ташкил этади. Ўтган йилларда туманда фермер хўжаликлари ер майдонларини мақбуллаштириш ишлари ўз самарасини бермаган. Айрим ҳолларда бир шахс томонидан бир неча фермер хўжалигини бошқариш амалиёти мавжуд.	1. Ишчи гуруҳи томонидан 2017 йилни зарар билан якунлаган фермер хўжаликларининг фаолиятини таҳлил қилиб, натижаси юзасидан хулосалар тайёрлаш ва кўриб чиқиш учун халқ депутатлари туман Кенгаши сессияси муҳокамасига киритиш; самарасиз фаолият юритган фермер хўжаликларининг фаолиятини тугатиш, улар билан тузилган ер ижара шартномасини белгиланган тартибда бекор қилиш; ер ижара шартномалари бекор қилинган фермер хўжаликлари ерларини қайта лойиҳалаш ва танлов асосида ҳақиқий ер эгасини топиш. 2. Келгусида бир шахс томонидан икки ва ундан ортиқ фермер хўжалигини бошқаришига чек қўйиш.	2018 йил март 2018 йил I чорак	Жиззах вилояти ҳокимлиги, Қишлоқ хўжалиги бошқармаси, Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси, вилоят фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Адлия бошқармаси

№	Йўл қўйилган камчиликлар ва мавжуд муаммолар	Бартараф этиш тадбирлари ва таклифлар	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
II. Агротехника тадбирларини ўтказишда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш ҳамда амалга ошириладиган вазифалар				
2.	Туманда 575 гектар майдонда агротехника тадбирлари ўтказилишига етарлича эътибор берилмай, ўз вақтида тўлиқ ва сифатли бажарилмаган, жумладан 195 гектар майдонда ягана қилинмаган, 225 гектар майдон бегона ўтлардан тозаланмаган, 155 гектар майдонда чилпиш ишлари ўтказилмаган.	1. Туман фермер хўжаликлари кесимида 2018 йил ҳосили учун ғўза парваришида агротехника тадбирларини ўз муддатида ва сифатли ўтказиш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш ва бажарилишини доимий назорат қилиш. 2. Фермер хўжаликларига ҳар 2 гектар пахта майдонига меҳнат шартномаси асосида 1 нафардан доимий ишчи олиш ҳамда доимий ва мавсумий ишчиларга иш ҳақи тўлаш ҳамда зарур меҳнат шароитларини яратиш.	2018 йил март	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Жиззах вилояти ҳокимлиги
III. 2018 йилда амалга ошириладиган ирригация ва мелиорация тадбирлари				
3.	Туманда ғўзани балл бонитети паст (41-44), сув билан етарли таъминланмаган ерларга (18-20 ц/га) жойлаштириш оқибатида 2230 гектар майдондан бор йўғи 12 центнердан ҳосил олинган ва ҳар гектардан ўртача 1 млн.сўм зарар кўрилган. Туманда 1,6 км. суғориш тармоқлари (латок) яроқсиз ҳолатга келганлиги сабабли 45 та фермер хўжалигининг 480 гектар майдони сув билан етарлича таъминланмагани оқибатида 560 тонна пахта ҳосили йўқотилган.	1. Туманда сув билан таъминланиши қийин бўлган контурларни чуқур таҳлил қилиб, аниқлаш. 2018 йил давомида мавжуд лотокларни таъмирлаш ва сув йўлларини тозалаш ишларини амалга ошириш мақсадида: марказлаштирилган капитал маблағлар ҳисобидан 13,6 км узунликдаги лоток тармоқларини реконструкция қилиш. сув хўжалиги эксплуатация маблағлари ҳисобидан 35,7 км умумий узунликдаги суғориш тармоқларини, мавжуд 3 та насос агрегатларини таъмирлаш ва 2 та насос агрегатларини қуриш; сув истеъмолчилари уюшмаси ва фермер хўжаликларидаги 164 км узунликдаги ички суғориш тармоқларини, 9 та насос агрегатларини таъмирлаш ишларини амалга ошириш;	2018 йил II чорак	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Зарбдор тумани қишлоқ хўжалиги бўлими, туман бандликка кўмаклашиш бўлими, туманнинг 4 та сектор раҳбарлари

№	Йўл қўйилган камчиликлар ва мавжуд муаммолар	Бартараф этиш тадбирлари ва таклифлар	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
		сув таъминоти оғир бўлган ҳудудлардаги ҳар бир фермер хўжаликларига Ирригация тизимлари ҳавза бошқармасидан вакил бириктириш.		
4.	Мелиоратив ҳолати оғир бўлган 480 гектар майдонда чигит экиш тадбирлари кечиктирилганлиги оқибатида 670 тонна ҳосил нобуд бўлишига йўл қўйилган. Зомин туманидан қўшилган 7 та сув истеъмолчилари уюшмалари ҳудудларида жами 388 км узунликдаги коллектор тармоқлари, 1440,6 км ёпиқ-ётиқ дренаж тармоқлари мавжуд бўлиб, шундан ёпиқ-ётиқ дренаж тармоқларининг 385,4 км техник холати қониқарсиз. Жумладан, Ғалаба ҳудудида 30 км, Намуна ҳудудида 35 км, Наврўз ҳудудида 22 км, Оқар ҳудудида 133,8 км, Мустақиллик ҳудудида 76,2 км, Ғолиб ҳудудида 88,4 км.ни ташкил этади.	Мелиорация жамғармаси маблағлари ҳисобидан 46 км коллектор-дренаж тармоқларини, қуриш, реконструкция қилиш, 350 км узунликдаги коллектор-дренаж тармоқларини тизимли таъмирлаш-тиклаш; Зомин туманидан ўтган худудларда мелиорация жамғармаси маблағлари ҳисобидан 25,5 км коллектор-дренаж тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш, 128,5 км узунликдаги коллектор-дренаж тармоқларини тизимли таъмирлаш-тиклаш.	2018 йил III чорак	Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Жиззах вилояти ҳокимлиги
5.	Тумандаги 67 та фермер хўжалигининг 195 гектар ғўза майдони умуман ягана қилинмагани, 225 гектар майдон бегона ўтлардан тозанмагани, 135 гектар майдонда ўргимчаккана тарқалишига йўл қўйилгани ҳамда зараркунандаларга қарши кураш чоралари етарли даражада ташкил этилмагани оқибатида 1060 тонна кам ҳосил олинган.	Туманда мавжуд биолабораторияларни иш фаолиятини тубдан ўрганиб чиқиш ва уларни сифатли биомаҳсулот етказиб бериши учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш; ўргимчаккана ва кўсак қурти тушадиган ҳудудларни алоҳида назоратга олиш ва профилактик ишларни амалга ошириб бориш; ғўза майдонлари атрофида бегона ўтларни, ўсимлик қолдиқларини йўқотиш. Зараркунандалар аниқланганда	2018 йил III чорак	"Ўзагрокимёҳимоя" АЖ, Қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази, Зарбдор тумани қишлоқ хўжалиги бўлими, тумандаги биолабораториялар,

№	Йўл қўйилган камчиликлар ва мавжуд муаммолар	Бартараф этиш тадбирлари ва таклифлар	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
		профилактик ишловларни ўтказиш; ўргимчакканага қарши оҳак ва олтингугурт қайнатмаси билан ғўза майдонларига профилактик ишлов бериш. Кимёвий ишловларни тизимли ташкил этиш. Бунда: биринчи ишлов гекситиазокс асосли препаратлар билан, иккинчи ишлов пропаргит асосли препаратлар билан, кўсак қурти билан бирга аниқланганда комплекс таъсир қилувчи препаратлар билан ўтказиш; ўргимчакканани кенг майдонларга тарқалиб кетишини олдини олиш учун ғўзани чанқатиб қўймаслик, культивацияни сифатли ўтказиш.		
IV. Фермер хўжаликларини янги замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлаш ҳамда улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш				
6.	Тумандаги мавжуд юқори унумли қишлоқ хўжалиги техникаларининг 11 таси таъмирталаб, шунингдек, 30 та юқори унумли хайдов техникаси, 89 та чопиқ трактори, 65 та культиватор, жами 184 та техника етишмайди. Мавсум давомида 58 та ҳайдов тракторлари эскирганлиги, 79 та фермер хўжалигида культиваторлар етишмаслиги оқибатида агротехника тадбирлари кечиктирилган, шудгорлаш сифатсиз ва саёз ўтказилган.	1. Тумандаги “Агросервис МТП” МЧЖ балансида мавжуд техникаларини қайта хатловдан ўтказиш, эскирганларини ҳисобдан чиқариш. 2. “Агросервис МТП” МЧЖга 20 та юқори унумли ҳайдов тракторалари; 20 та омочлар; 23 та ғалла ўриш комбайнлари; 50 та чопиқ тракторларини культиваторлари билан; 20 та чигит экиш сеялкаларини олиш; “Агрокимёҳимоя” ҲАЖ туман филиалига 15 та пуркаш мосламаларини (ОВХ) тракторлари билан олиш; “Зарбдор Элеватор”, пахта тозалаш корхонаси ҳамда “Агрокимёҳимоя” ҲАЖ	2018 йил март 2018 йил март	“Ўздавтехназорат” инспекцияси, Жиззах вилояти ҳокимлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Агро банк” АТБ, “Ўзагросервис” АЖ, “Ўзагрокимёҳимоя”АЖ, “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ, Жиззах вилояти ҳокимлиги

№	Йўл қўйилган камчиликлар ва мавжуд муаммолар	Бартараф этиш тадбирлари ва таклифлар	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
		туман филиалига: фермер хўжаликларига маҳаллий ўғит чиқариш учун 1 тадан юк кўтаргич (погрузчик) трактор олиш; 20 та фермер хўжаликлари томонидан 11 та хайдов ва 9 та чопиқ тракторларини кредит маблағлари ҳисобидан олинишини таъминлаш.		
V. 2018 йилда фермер хўжаликлари томонидан мавжуд экин майдонларидан самарали фойдаланиш ҳамда қўшимча даромад олиш чора-тадбирлари				
7.	Туманда фермер хўжаликлари томонидан экин майдонларидан ташқаридаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерларда енгил констуркцияли ва кам харажатли дала шийпонлари, иссиқхоналар ташкил этиш ҳамда дала шийпонларида соғин сигир, парранда ва асалари уялари боқишни ташкил этиш ишлари қониқарсиз аҳволда.	Жами 253 та енгил конструкцияли дала шийпонлари қуришни ташкил этиш; 297 та фермер хўжаликларида 1 сотихли арзон 2,97 гектарда иссиқхоналар ташкил этиш; 175 та фермер хўжаликларида 50 бошдан жами 8,75 минг бош парранда боқишни ташкил этиш; 160 та фермер хўжаликларида 1 бошдан 160 та соғин сигир боқишни ташкил этиш; 341 та фермер хўжаликларининг ҳар бирида 5 қутидан жами 1705 қути асалари уяси боқишни ташкил этиш.	2018 йил I чорак	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Агро банк” АТБ ҳамда туманнинг 4 та сектор раҳбарлари
8.	Туманда фермер хўжаликлари томонидан ғўза майдонлари дала четлари ҳамда суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари бўйларига экиладиган қишлоқ хўжалик экинлари экиш ишлари қониқарсиз аҳволда.	Туман бўйича 645 та фермер хўжаликларида 1053 та контурга экиладиган 15000 гектар ғўза майдонлари дала четларига 83,9 п.км да қишлоқ хўжалиги экинлари жойлаштиришни ташкил этиш. Шундан, ошқовоқ 37,7 п.км, маккажўхори 17,6 п.км, аччиқ қалампир 1,2 п.км, булғор қалампири 0,9 п.км, помидор 1,1 п.км ва 24,3 п.км дуккакли экинлар экилишини ташкил этиш.	2018 йил I чорак	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Агро банк” АТБ, Жиззах вилояти ҳокимлиги, туманнинг 4 та сектор раҳбарлари

№	Йўл қўйилган камчиликлар ва мавжуд муаммолар	Бартараф этиш тадбирлари ва таклифлар	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
9.	2018 йил бошоқли дон экинларидан бўшаган майдонларга такрорий экинларни экиш етарли даражада ташкил этилмаган.	2018 йил бошоқли дон экинларидан бўшаган майдонларнинг 16143 гектарда: 600 гектарда сабзавот, 50 гектарда картошка, 2435 гектар полиз, 200 гектарда соя, 9300 гектарда дуккакли, 3558 гектарда озуқа экинлар экишни ташкил этиш.	2018 йил I чорак	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Агро банк” АТБ, Жиззах вилояти ҳокимлиги, туманнинг 4 та сектор раҳбарлари
10.	2017 йил 1 декабрь ҳолатига хизмат кўрсатувчи ва таъминотчи корхоналардан фермер хўжаликларининг 61,5 млрд.сўм қарздорлиги мавжуд бўлиб, 2017 йил бошига нисбатан 8,1 млрд.сўмга кўпайган. 2017 йил такрорий экинлар ҳосили ҳисобидан фермер хўжаликлари ҳисоб рақамларига кирим қилиниши лозим бўлган 7,7 млрд. сўмдан, 7,2 млрд. сўм (93%) маблағ кирим қилинмаган.	Шартномалар тузилиши, фермер хўжаликларига хизматлар кўрсатилиши ва маҳсулот етказиб бериш ҳамда мавжуд қарздорликларни камайтириш мақсадида: фермерлар кесимида “Сарф-ҳаражатлар ва ҳисоб-китоб мониторинги” ҳамда “Агротехника тадбирларини бажариш технологик картаси”нинг электрон онлайн тизимини жорий этиш орқали “Мониторинг маркази” фаолиятини янада такомиллаштириш; ҳар бир ҳудуднинг алоҳида контурлар кесимида табиий шароити, тупроқнинг механик таркиби, балл бонитети ва рельефи бўйича ерни табақалаштириш (“паспортизация”)ни ишлаб чиқиб, амалиётга тадбиқ этиш.	2018 йил I чорак 2018 йил декабрь	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, “Ўзпахтасаноат” АЖ, Тошкент давлат аграр университети, Жиззах вилояти ҳокимлиги
11.	Туманда фермер хўжаликлари томонидан кузги бошоқли дон экинлари дала четлари ҳамда суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари бўйларига экиладиган қишлоқ хўжалик экинлари тўлиқ жойлаштирилмай қолмоқда.	Туман бўйича 706 та фермер хўжаликларида 1 207 та контурга экилган 18 928 гектар кузги бошоқли дон экинлари дала четларига 105,9 п.км да қишлоқ хўжалиги экинлари жойлаштиришни ташкил этиш. Шундан: кўк пиёз 27,5 п.км, карам 22,2 п.км, картошка 16,9 п.км ва 39,3 п.км дуккакли экинлар экилишини ташкил этиш.	2018 йил II чорак	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Агро банк” АТБ, Жиззах вилояти ҳокимлиги, туманнинг 4 та сектор раҳбарлари

№	Йўл қўйилган камчиликлар ва мавжуд муаммолар	Бартараф этиш тадбирлари ва таклифлар	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
12.	Ҳар ойда камида бир мартадан ўтказилиши лозим бўлган халк депутатлари Зарбдор тумани Кенгашининг фаолияти суст даражада олиб борилган.	“Ой болта” тизимида халқ депутатлари туман Кенгашининг ҳар ойда камида 1 марта йиғилиши ўтказилишини таъминлаш. Бунда: фермер хўжаликларининг молиявий аҳволи таҳлилини бориши, ер ижара шартномаси шартларини бажарилиши, хизмат кўрсатувчи ва маҳсулот етказиб берувчи корхоналар бўйича алоҳида муҳокама қилиш.	2018 йил IV чорак	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Жиззах вилояти ҳокимлиги